



ISSUES OF DEVELOPMENT OF MANDATORY ENFORCEMENT SYSTEM BASED ON MODERN REQUIREMENTS AND ADVANCED WORLD EXPERIENCES

Khasan Murotovich Kabirdjanov

Master's student

Academy of Law Enforcement of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: enforcement proceedings, state executive, simplified procedure.

Received: 21.06.24

Accepted: 23.06.24

Published: 25.06.24

Abstract: In this article, our national legislation on the execution of court documents and documents of other bodies is analyzed based on the experience of foreign countries, and a proposal for further improvement of the relevant legislation is given.

ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР ВА ИЛГОР ЖАҲОН ТАЖРИБАЛАРИ АСОСИДА МАЖБУРИЙ ИЖРО ТИЗИМИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Хасан Муротович Кабирджанов

Магистратура тингловчиси

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: ижро иши юритуви, давлат ижрочиси, соддалаштирилган тартиб.

Аннотация: Мазкур мақолада суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишга оид миллий қонунчилигимиз ҳорижий давлатлар тажрибаси асосида таҳлил қилиниб соҳага оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш таклифи берилган.

ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ СИСТЕМЫ ПРИНУДИТЕЛЬНОГО ИСПОЛНЕНИЯ НА ОСНОВЕ СОВРЕМЕННЫХ ТРЕБОВАНИЙ И ПЕРЕДОВОГО МИРОВОГО ОПЫТА

Хасан Муротович Кабирджанов

студент магистратуры

Академия правоохранительных органов Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: исполнительное производство, государственный исполнитель, упрощенная процедура.

Аннотация: В данной статье на основе опыта зарубежных стран анализируется наше национальное законодательство об исполнении судебных документов и документов иных органов, а также даются предложения по дальнейшему совершенствованию соответствующего законодательства.

КИРИШ

Мажбурий ижро бюроси томонидан ундирилган маблағлар электр ва газ тармоқларини модернизация қилиш, янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш каби мақсадларга йўналтирилиши назарда тутилган. “Фуқаролар ислохотлар самарасини келажакда эмас, бугун ҳис этиши зарур” – деган мақсадда 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, одил судлов тизимини такомиллаштириш масалалари билан бир қаторда, суд қарорларини ижро этиш соҳасини ривожлантириш” вазифаси алоҳида белгиланди. Сўнгги йилларда мамлакатимизда жамият ва давлат ҳаётини кенг қўламли ислоҳ қилиш, шунингдек, амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари доирасида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштириш соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, дунёнинг илғор демократик давлатларида суд ҳужжатларини ижро этиш соҳасида шаклланган тажриба ва амалиёт таҳлили соҳада узоқ муддатли тизимли ислохотлар амалга ошириш эҳтиёжи мавжудлигини кўрсатди. Мажбурий ижро бюросининг тузилма ва вазифалари мажбурий ижро тизими ривожланишининг замонавий талаблари ва жаҳон тенденцияларига тўлиқ жавоб бермаслигини инобатга олиб суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатлари ижросини ўз вақтида, самарали ва сифатли таъминлаш, ижро иши юритишда тарафларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарурий майдонни яратиш ҳамда ижро иши юритишда бошқарув фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида қонунчилик базасини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб аҳамият касб этмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Президентимизнинг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини ислоҳ этиш ва соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 03.01.2024 йилдаги ПФ–1-сон Фармони билан Суд ҳужжатлари ва бошқа

органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Мазкур Фармон асосида амалга оширилиб келинаётган ҳамда келгусида рўёбга чиқариладиган чора-тадбирлар сўзсиз, мамлакатимизда ижро иши юритиш тизимини замонавий талабларга тўлиқ жавоб бериши, шунингдек жаҳонда соҳада етакчи институтлар қаторига олиб чиқилишини таъминлайди.

Суд қарорларини мажбурий ижро этилишидаги бошқарувнинг асосий мақсади – тизимнинг ишлашини оптимиллаштириш, вақт сарфини ҳисобга олган ҳолда энг кам куч ва ҳаражат билан мумкин бўлган энг катта фойдали самарани олиш учун тизимда мавжуд камчиликларни таҳлил қилиш ҳамда уларга илмий асосланган таклифлар беришдан иборат ҳисобланади.

Ҳеч кимга сир эмас ҳеч бир давлат ундаги орган, ташкилот ёки муассасалар қайси тизимда (хусусий ёки давлат) фаолият олиб боришидан қатъий назар, унинг самарадорлиги ошишига йўналтирилган ишлар амалга оширилмаса ҳар қандай тизимнинг ижобий томонидан кўра салбий томонлари кўпая бошлайди.

Фикримизнинг исботи сифатида, европалик олим Марк Шмитс “бутун дунё “нур тезлиги”да рақамлаштирилмоқда, бундан ташқари бугунги кундаги Ковид-19 пандемик вазият ушбу процессни тезлатмоқда” деб билдирган фикрини мисол сифатида келтириб ўтамиз.

Бу борада республикада ҳукукий-меъёрий база яратилган. Бунга Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 декабрдаги “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонунини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, “ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётини эҳтиёжга айланиши керак, тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт, бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради, зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда”.

Дарҳақиқат, биз шиддатли ахборот асрида яшамокдамиз, ахборот технологиялари ва телекоммуникация воситаларининг юқори суратларда ривожланиши, жамият ва давлат ҳаётида кескин ижобий ўзгаришларнинг юз беришига сабаб бўлиб инсоният тараққиётини янги босқичларга олиб чиқмоқда.

Давлатимиз Раҳбарининг 2020 йил 24 ноябрдаги ПФ–6118-сонли “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ, фуқароларнинг мол-мулкиға (пул маблағлари бундан мустасно) дахл қилмаган ҳамда уларға нисбатан ҳуқуқий таъсир ва жавобгарлик чораларини қўлламаган ҳолда соддалаштирилган мажбурий ижро ишини юритиш институтини жорий этиш белгилаб берилди.

Соддалаштирилган мажбурий ижро ишини юритиш институти IT-технологияларидан кенг фойдаланиш амалиётини назарда тутувчи механизмни ифода этади. Зеро, бугунги кунимизни IT-технологиялари имкониятларидан фойдаланиш – замонавий ҳаётимизнинг ажралмас бир қисмидир.

Шу ўринда, К.Л.Брановицкийнинг бу борада берган таърифиға тўхтаб ўтамиз: “Ахборот технологияларини жорий этиш ижро тизими доирасида ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар тизимини, шунингдек, суд, суд ижрочилар ва процесс иштирокчилари ўртасида муносабатларни янада самарали шакллантириш, суд, ижро этувчи ҳокимият органларининг муомалада бўлишини тезлаштириш имконини беради ва ижро этиш тизимининг шаффофлигини оширади”.

Фикримизча, соддалаштирилган тартиб бу энг аввало, ҳар кимға тез, осон ва қулай, вақт тежамкорлигини назарда тутувчи механизмни ифода этади. Бошқа бир олим З.А.Папулова эса, “соддалаштирилган тартибда иш юритиш бу тезлаштирилган иш юритиш шакли” эканлиги ҳақидаги ғояни илгари сурган.

Ҳозирда мамлакатимизда мажбурий ижро этиш соҳасиға оид қонунчиликда соддалаштирилган тартибда иш юритиш тартиби алоҳида кўрсатилмаган.

Айрим хорижий давлатларда эса мазкур институтнинг алоҳида босқич сифатида бир неча кўриниши мавжуд.

Жумладан, **Россия Федерациясида** ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда соддалаштирилган тартибда ижро ишини юритиш бўйича ишлар амалға оширилмоқда. Хусусан, “Рақамли ижро иши юритуви” хизматини яратиш борасида ишлар олиб борилмоқда. Унга кўра, ижро ҳужжатлари реестри моделини жорий этиш, ижро ҳужжатлари реестрини юритиш ва ижро ҳужжатларини қоғоз шаклида юритишдан воз кечиб, тўлиқ электрон шаклда юритиш кўзда тутилмоқда.

Францияда суд ижрочиларининг анъанавий фаолиятини такомиллаштириш бўйича инновацион ислохотлар амалға оширилган бўлиб, улардан “CREDICYS” – электрон дастури яратилган бўлиб, қарздорликларни ундирилишини соддалаштирилган тартибининг жорий этиш назарда тутилган. Дастурға кўра беш минг евро миқдоридан ошмаган

қарздорликларни ундирилиши назарда тутилган. Мазкур соддалаштирилган тартиб тўланмаган ҳисоб-фактуралари, ижара ҳақлари ва кредитларни ундириш кўзда тутилган. Алимент пулларини ундириш мазкур тоифага киритилмаган.

Ушбу тартибга кўра, қарздорликни ундириш судгача бўлган давр мобайнида амалга оширилиши назарда тутилган бўлиб, қарздорни яшаш манзилдан келиб чиқиб ҳудудийлик бўйича суд ижрочисига ариза билан мурожаат қилади. Ушбу аризага асосан, қарздор билдирилган вазжларни тасдиқлаб шартномани имзолашга рози бўлади ёки ушбу вазжларни рад этади. Агар аризада келтирилган вазжларга ундирувчи эътироз билдирмаган тақдирдагина ижрочи ёрдамида қарздор ва ундирувчи ўртасида шартнома имзоланади. Шартномада белгиланган шартларни бир ой давомида ижро этилиши керак. Шартномада қарзни тўлаш муддати, суммаси ҳамда тўловни амалга ошириш усули каби шартлар белгилаб берилади. Шартномада белгиланган талаблар бажарилмаган ҳолларда ундирувчи судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Худди шу каби соддалаштирилган тартиб **Грузия давлатида** ҳам жорий этилган. Соддалаштирилган тартибда қарздорликни тўламаслик билан боғлиқ низоларни самарали ҳал қилиш имкоятини бериш назарда тутилган. Соддалаштирилган тартиб ундирувчининг аризасига асосан муайян тўлов асосида амалга оширилади. Ундирувчи ариза берган кундан бошлаб ўн кундан кейин қарздор қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли. Жумладан: қарзни тўлиқ қоплаш, талабни қисман ҳақли деб ҳисобласа, қарзни қисман тўлаш, аризани талабларини инкор қилса, арзга нисбатан шикоят қилиш, битим тузиш тўғрисида ариза тақдим этиш.

Битим доирасида ундирувчи ва қарздор ўзаро тўлов муддати, тўланиш лозим бўлган сумма миқдори бўйича келишиб олишлари мумкин. Бунда уларга мутахассислар – Миллий ижро бюроси “кейс-менежерлари” иш бошқарувчилари ёрдам беради.

Хорижий давлатларда мавжуд амалиётни таҳлил қилар эканмиз, мавжуд муаммолардан келиб чиққан ҳолда уларнинг айримларини миллий қонунчилигимизга татбиқ қилиш бўйича зарур нормаларни ишлаб чиқиш юзасидан таклиф беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги кунда давлат ижрочиларининг иш ҳажми жуда юқориликча қолмоқда. Жумладан, Бюро ташкил этилганда давлат ижрочиларининг сони 2 бараварга кўпайтирилди (1058 нафардан 2329 нафарга). Шунга қарамай, ижрочиларнинг амалдаги иш ҳажми бир ойга 315 та ҳужжатни ташкил этган (2023 йилда – 352 та ҳужжат), бу эса илмий асосланган меъёрдан 19 баравар кўпдир (меъёр бўйича бир ойга 19 та иш).

Бундай иш шароитларида, давлат ижрочилари ўзига юклатилган вазифаларини ўз вақтида бажаришга улгурмаслиги, процессуал хатоликларга йўл қўйилаётганлиги оқибатида фуқаролар ва юридик шахсларнинг асосли норозилиги келиб чиқишига, шу билан бирга бюджетга ундирувлар даражасига салбий таъсир этмоқда.

Шунингдек, амалиётда маъмурий жарималарни фақатгина мажбурий тартибда ундиришга қаратилган тенденция мавжуд бўлиб, қарорларнинг аксарияти мажбурий ижрога қаратилмоқда. Бу эса, жамиятда аҳоли ва давлат органлари ўртасида ортиқча зиддиятларга ва ижтимоий тарангликка сабаб бўлмоқда.

Вужудга келган вазиятнинг асосий сабабларидан бири бу жарима ва мажбурий тўловларни ихтиёрий равишда тўлаш бўйича тегишли инфратузилманинг яратилмаганлиги пировардида аҳолида жарима ва бошқа мажбурий тўловларни ихтиёрий тўлаш маданияти суств шаклланимаётганлиги ҳисобланади.

Зеро, ижро варақаси ундирувчига берилади ёки суд ҳужжати қонуний кучга киргандан сўнг беш кун ичида ундирувчининг илтимосномасига кўра давлат ижрочисига ижро этиш учун юборилади, бундан суд ҳужжати чиқарилиши биланоқ ижро варақаси берилиб, дарҳол ижро этиладиган ҳоллар мустасно (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 448-моддаси 4-қисми).

Худди шундай талаб, Иқтисодий процессуал кодексда ҳам ўз аксини топган. Жумладан, суд ҳужжати қонуний кучга кирганидан сўнг беш кун ичида ижро варақаси ундирувчига берилади ёки унинг илтимосномасига кўра давлат ижрочисига ижро этиш учун юборилади.

Бюджетга маблағларни ундириш учун ижро варақаси қарздор турган жойдаги давлат ижрочисига суд ҳужжати қонуний кучга кирганидан сўнг беш кун ичида юборилади (336-модда).

Шу билан бирга, ижро ҳужжатлари тури ва мураккаблик даражасига кўра ижро этилишида дифференциал ёндашувнинг мавжуд эмаслиги Бюро кучи ва воситаларидан нооқилона фойдаланишга олиб келмоқда.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида” Қонуни 8³-моддасига кўра, Мажбурий ижро бюроси органларига тақдим этилаётганда ижро ҳужжат-ларига истеъмоқ қилинган энергия ресурслари ва ичимлик суви учун мажбурий тўловларни ундириш тўғрисидаги ариза ваколатли органга ёки мансабдор шахсга берилгунига қадар қарздор юридик шахс энергия ресурслари

тармоқларидан ва сув таъминотидан узилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши белгиланган.

Бироқ, жисмоний шахсларга нисбатан бундай талабнинг мавжуд эмаслиги оқибатида биргина жорий йилнинг ўтган даврида 7 713 та истеъмолчини тармоқдан узиш чоралари кўрилмаган.

Оқибатда, қарздор жисмоний шахслар томонидан қарздорликни ўз вақтида бартараф этмасликка, давлат ижрочилари томонидан мазкур тоифадаги ҳужжатлар ижросини таъминлашда ортиқча вақт, куч ва воситалар сарфлашга олиб келмоқда.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунида белгиланган ижро ҳужжати нисбатан қўйиладиган талабларни бузиш оқибатларига агар ижро ҳужжати Қонуннинг 8³-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаса, ёхуд зарур ҳужжатларни уларга қўйиладиган талабларга мувофиқ ҳолда расмийлаштириб ижро ҳужжати илова қилиш тўғрисидаги талабга риоя қилинмаган бўлса, давлат ижрочиси ижро ҳужжатини олган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида қайтариб юборишини назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақадга мувофиқ бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси” ПФ-60-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2022 й., 03/24/113/0330-сон

2. Marc SCHMITZ -President of the UIHJ. Cyberjustice, new opportunities for the judicial officer. XXIVth International Congress of the International Union of Judicial Officers Dubai – 22nd to 25th November 2021.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.01.2020 йилги Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномаси. (Reference of the President of the Republic of Uzbekistan to the Oliy Majlis on 24/01/2020) // Электрон манбаа: <https://president.uz/uz/lists/view/4057> (мурожаат вақти: 05.03.2021)

4. Брановицкий К.Л. Некоторые аспекты использования информационных технологий в исполнительном производстве// Вестник гражданского процесса. 2018. № 1. Б-87

5. Папулова З.А. Ускоренные формы рассмотрения дел в гражданском судопроизводстве: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Екатеринбург, 2013. Б-6

6. Патрик Сафар, вице-президент Национальной палаты судебных исполнителей Французской Республики//Сборник материалов 8-й международной научно-практической конференции, 20-23 сентября 2017 г. Суздаль, Владимирская область. С-154-161

7. Cyberjustice, new opportunities for the judicial officer. XXIVth International Congress of the International Union of Judicial Officers Dubai – 22nd to 25th November 2021. Б-62-63

8. Национальное бюро исполнения Грузии. Электронный ресурс: www.nbe.gov.ge (дата обращения: 09.04.2021 г.)

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Назоратни ташкиллаштириш, статистика ва таҳлил бўлимининг ҳужжатлар йиғмажилди (07-09) Б-227-228